

ЯНГИ ҒОЯЛАР МАЙДОНИ



Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг сиёсий, ижтимоий ва маънавий фаоллигини ошириш, уларни давлат бошқаруви ва қарор қабул қилиш жараёнларига жалб этиш устувор вазифалардан бирига айланди.

► (Давоми 6-бетда)

ИИБ: КИБЕРЖИНОЯТЛАР УМУМІЙ ЖИНОЯТЛАРНИНГ САЛКАМ ЯРМИНИ ТАШКИЛ ҚИЛМОҚДА



► 8-бет

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!



O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta



t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi



facebook.com/uzbekistonovozi



instagram.com/uzbekiston_ovozi



www.uzbovozi.uz



info@uzbovozi.uz

№45

2025-yil

12-noyabr, chorshanba

1918-yil

21-iyundan chiqqa boshlagan



ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ



ТИББИЙ ИСЛОҲОТЛАРДАН ХАЛҚ РОЗИ БЎЛИШИ КЕРАК

Аҳолининг барча қатлами малакали ва замонавий тиббий хизматдан фойдаланиши учун тенг имкониятларни яратиш, давлатнинг энг катта бойлиги – эл саломатлигини, миллат генофондини асраш Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг устувор мақсадлари билан ҳамоҳангдир. Ўзини ижтимоий давлат деб эълон қилган Янги Ўзбекистонда ушбу масала стратегик вазифага айланган бўлиб, тизимда олиб борилаётган ислохотларни сўл қанот ҳисобланган ХДП қўллаб-қувватлайди.

► (Давоми 4-бетда)



МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИНИНГ ИШОНЧЛИ ТИЗИМИ

Ҳар бир инсоннинг меҳнатга оид ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши ва ишчи-ҳодимларнинг манфаатлари кафолатланиши жамиятнинг асосий устувор вазифаларидан биридир. Шу вазифани амалга оширишда касаба уюшмалари муҳим роль ўйнайди.

Улар ҳодимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширади. Бу эса фақат ҳодимларнинг ишга бўлган ишончини мустаҳкамлаб қолмайди, балки мамлакатда меҳнат муносабатлари, ижтимоий адолат ва иқтисодий барқарорликни ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

► (Давоми 3-бетда)

ЯЛПИ МАЖЛИС



ДЕПУТАТЛАР ЎЗ СЎЗИНИ АЙТДИ: МУҲОКАМАДАН ҚАРОРГАЧА...

Ҳар ҳафта Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари учун тўлиқ ва муҳим мажлислар билан бошланади. Одатдагидек, душанба куни фракциялар ўз сайловчилари ва электорат манфаатларини эътироф этишга ҳаракат қилади. Шу ҳафта ҳам мажлис қизғин баҳслар билан очилди ва кун тартибидаги масалалар депутатлар томонидан чуқур муҳокама қилинди.

► (Давоми 2-бетда)

"O'zbekiston ovozi" – ДОИМИЙ ҲАМРОҲИМИЗ



► 8-бет

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЭНДИ "O'zbekiston ovozi" ГАЗЕТАСИГА



CLICK ВА

Payme

ИЛОВАЛАРИ
ОРҚАЛИ ОБУНА
БЎЛИШИНГИЗ
МУМКИН.

Мурожаат учун телефон: (71) 239-12-14

ОБУНА ИНДЕКСИ – 220

ЯЛПИ МАЖЛИС

ДЕПУТАТЛАР ЎЗ СЎЗИНИ АЙТДИ: МУҲОКАМАДАН ҚАРОРГАЧА...

► (Давоми. Боши 1-бетда)

ИСЛОМИЙ БАНК ФАОЛИЯТИГА ЙЎЛ ОЧИЛМОҚДА

Мажлисида Ўзбекистонда исломий банк фаолиятини жорий қилишга қаратилган қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда замонавий банк хизматларини жорий қилишга ва халқаро тажрибаларни инобатга олган ҳолда банк тизимини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга молиявий хизматлар қамровини кенгайтириш ҳамда янги турдаги банк хизматларини жорий қилиш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига исломий банк фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини белгиловчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Муҳокамалар давомида депутатлар томонидан исломий банк ва молия операцияларига оид ҳуқуқий нормалар лойиҳада акс эттирилганлиги маъқулланди. Шунингдек, молия стандартлари ҳамда инвестициявий депозитларга оид нормалар бўйича аввал билдирилган тақлифлар инобатга олинганлиги халқ вакиллари эътиборида бўлди.

Лойиҳада исломий банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш бўйича талаблар аниқ белгиланаётгани, исломий молия операцияларига оид тушунчалар очиқ берилаётгани ҳамда исломий банк фаолиятини амалга оширувчи банкларга исломий молия стандартлари асосида мижозларни молиялаштириш учун савдо фаолиятини амалга оширишга ҳамда юридик шахсларни ташкил этиш ва юридик шахсларнинг устав фондларидаги улушларни ёки акцияларни олишга рухсат берилиши назарда тутилганлиги депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, депутатлар қонун лойиҳаси билан исломий молия операцияларига солиқ солиш бўйича тегишли тартибнинг жорий қилинаётгани молиялаштиришга оид хизматлар кўламининг ошишига катта туртки беришини таъкидлашди. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда исломий банк хизматларини босқичма-босқич жорий этишга, яширин иқтисодиёт улушини камайтиришга ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

ЖАВОБГАРЛИК ВА НАЗОРАТ: ШАРТЛИ ОЗОДЛИК МЕХАНИЗМЛАРИ ТАКОМИЛ- ЛАШТИРИЛМОҚДА

Мажлисида жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилинган шахслар устидан назорат қилиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси ҳам айнан жазони ўташдан шартли озод қилинган шахслар устидан самарали пробация назоратини ташкил қилишни такомиллаштиришга қаратилган.

У билан Жиноят кодексининг 73-моддасига шартли озод қилинган шахсларга белгиланган

вақтларда назорат қилувчи органларда рўйхатдан ўтиб туриш мажбуриятини юклаш мумкинлиги назарда тутилмоқда. Бу ўз навбатида, жазодан шартли озод этилган шахслар устидан тизимли ва самарали назорат ўрнатиш имконини яратади.

Қонун лойиҳаси билан Жиноят-ижроия кодекси янги 28-1-боб билан тўлдирилиб, унда жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилинган шахслар устидан пробация назоратини амалга ошириш, назорат талабларини бузган шахсларга қўшимча мажбурият юклаш ёки жазони қайта ўташи, шу жумладан, шахс зиммасидан айрим мажбуриятларни чиқариш ҳақида судга тақдимнома киритиш тартиби ва асослари белгиланмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳасининг қабул қилиниши пробация тизимининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаши, унинг фаолиятини амалда самарали ташкил этиш имконини яратиши қайд этилди. Бу қадам жамиятда тинчлик ва хавфсизлиқни таъминлаш, фуқароларнинг қонунга итоаткор муносабатини кучайтириш ва тақрорий жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК: ЎЗБЕКИСТОН ВЕНГРИЯ БИЛАН ШАРТНОМАНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛАДИ

Мажлисида “Ўзбекистон Республикаси билан Венгрия ўртасида ушлаб бериш тўғрисидаги Шартномани (Будапешт, 2025 йил 20 май) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Бугунги кунда терроризм, экстремизм, иқтисодий жиноятлар ва уюшган жиноятчиликнинг турли кўринишларидан келиб чиқадиган хавф-хатарлар ортиб бораётгани давлатлар ўртасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ва бу соҳадаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Жиноятчиликка қарши курашда давлатлараро ҳуқуқий ёрдамни йўлга қўйиш ва уни тизимли равишда амалга ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон ва Венгрия ўртасида ушлаб бериш масалалари бўйича амалда шартномавий асос мавжуд эмаслиги икки томонлама

“

БУГУНГИ КУНДА
ТЕРРОРИЗМ,
ЭКСТРЕМИЗМ,
ИҚТИСОДИЙ
ЖИНОЯТЛАР ВА УЮШГАН
ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ
ТУРЛИ
КўРИНИШЛАРИДАН
КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН
ХАВФ-ХАТАРЛАР
ОРТИБ БОРАЁТГАНИ
ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДАГИ
ҲАМКОРЛИКНИ
МУСТАҲКАМЛАШ
ВА БУ СОҲАДАГИ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИ
ТАҚОЗО ЭТМОҚДА.



ҳамкорлик имкониятларини чекламоқда.

Мазкур шартнома муқаддима ва 26 та моддадан иборат бўлиб, унда жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш ёки уларга нисбатан чиқарилган ҳукмни ижро этиш мақсадида ушлаб бериш тартиби, асослари ва шартлари белгиланган.

Шартнома кучга кириши натижасида Ўзбекистон ва Венгрия ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ўртасида жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўриш самарадорлиги ошади. Шунингдек, жиноят содир этган шахсларнинг жазодан қочиб қутулишига йўл қўймаслик, яъни, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи таъминланади.

Мажлис залида депутатлар лойиҳанинг мазмуни ва унинг икки давлат ўртасида ҳуқуқий ҳамкорликка қандай таъсир қилиши ҳақида фикр алмашишди. Ҳар бир тақлиф ва эътироз атрофлича муҳокама қилиниб, шартноманинг самарали ва адолатли амал қилиниши учун муҳим фикрлар келтирилди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

“ДАВЛАТ БОЖИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛМОҚДА

Мажлисида “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига иқтисодий судларга мурожаат қилишда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ҳамда махсус иқтисодий ва саноат зоналари дирекциялари учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик субъектларига ер участкаларини ажратиш жараёнининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, ер қонунчилиги бузилишининг олдини олиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва махсус дирекциялар, агар улар тадбиркорлик субъектлари томонидан ердан фойдаланиш шартлари бузилган ҳолларда иқтисодий судларга даъво аризаси билан мурожаат қилса, давлат божи тўлашдан озод этилиши белгиланмоқда.

Белгиланаётган нормалар ер ресурсларидан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш, ер муносабатларида қонунийликни мустаҳкамлашга

қаратилган.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

ВАЗИРЛАРГА ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ ЮБОРИЛДИ

Мажлисида “2019–2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси” ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида”ги парламент сўровини юбориш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда қайта тикланувчи энергия манбаларини кенгайтириш, энергия самарадорлигини ошириш, чиқиндиларни камайтириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда экологик жиҳатдан тоза технологияларни жорий этиш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўтган даврда “2019–2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси”да белгиланган вазифалар ижроси доирасида “Энергетика ислохотлари учун инновацион углерод ресурсларини қўллаш” лойиҳаси асосида 2023 йилда энергетика таъриф ислохотлари ўтказилди. Натижада республикада жами 6,3 млн. тонна карбонат ангидрид эквивалентида иссиқхона газлари ажратмалари қисқартирилди.

Мазкур қисқартирилган иссиқхона гази маълум қисмини (500 минг тонна карбонат ангидрид эквивалентида) халқаро углерод бирликлари савдосига йўналтириш орқали 7,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги грант маблағлари жалб этилди. Ресурсларни тежаш кўрсаткичлари бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 6,3 млн. кВт/соат энергия, 82 минг м3 дан ортиқ сув, 1 050 тоннадан зиёд хом ашё тежалишига эришилган. Жорий йил давомида йирик саноат ва цемент ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг 140 тасида замонавий чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатилган.

Бундан ташқари, саноат корхоналари томонидан ўзига тегишли бўлган ва туташ ҳудудларда “яшил белбоғ”лар барпо этиш бўйича 2024 йилнинг баҳор ҳамда куз мавсумларида 11,8 млн. дон дарахт ва бута кўчатларини экиш ишлари амалга оширилган. Ўрмон билан қопланганлик даражасини ошириш мақсадида 2024 йилда давлат ўрмон фондининг фойдаланилмаётган 7 000 гектар ерлари ўзлаштирилган.

Шу билан бирга, бугунги кунда атроф-муҳитни асраш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда ўз ечимини кутаётган

айрим масалалар бор. Улар тизимли ёндашувни, барча ресурсларни жалб қилган ҳолда ечимларни талаб қилмоқда.

Хусусан, депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларида, сайлов округларидаги ўрганишларида аҳоли томонидан атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, чиқиндиларни қайта ишлаш, экологик мониторинг тизимини янада кучайтириш, энергия тежамкор технологияларни жорий этиш бўйича қатор масалалар кўтарилмоқда.

Мажлисида шундан келиб чиқиб, атмосфера ҳавосига зарарли ташланмалар чиқарувчи

“

ТАЪКИДЛАНГАНИДЕК,
КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА
ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ
ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ
КЕНГАЙТИРИШ,
ЭНЕРГИЯ
САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ,
ЧИҚИНДИЛАРНИ
КАМАЙТИРИШ, СУВ
РЕСУРСЛАРИДАН
ОҚИЛОНА
ФОЙДАЛАНИШ
ҲАМДА ЭКОЛОГИК
ЖИҲАТДАН ТОЗА
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
ЖОРИЙ ЭТИШ
БОРАСИДА
КЕНГ КўЛАМЛИ
ИСЛОХОТЛАР АМАЛГА
ОШИРИЛМОҚДА.

ва меъёридан ортиқча ифлосланган ишлаб чиқариш оқова сувларини ҳосил қилувчи корхоналар ҳолатини баҳолаш ва зарарли ташланмаларни камайтириш, маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ва хизматлар кўрсатишда технологик жараёнларни “Яшил сертификат” экологик сертификатлаштириш ва экологик маркировкалаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларининг “яшил иқтисодиёт”га ўтишини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан асослантирилган тушунтиришлар бериш ҳақида экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши ҳамда иқтисодиёт ва молия вазирлигига парламент сўрови юборилди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
мухбири.



► (Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, касаба уюшмалари орқали ишчиларнинг фикр ва таклифлари ҳам давлат ва иш берувчи даражасида инобатга олинади, бу эса жамиятда ҳамкорлик муҳитини кучайтиради ва ишчи-ходимлар ҳамда иш берувчилар ўртасида ишончли мулоқотни ривожлантиришга ёрдам беради.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, меҳнатини муҳофаза қилиш, кафолатланган ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши учун мустаҳкам қонуний асослар яратилган. Ўзбекистон касаба уюшмалари куни ҳам қонун билан белгиланган бўлиб, 2021 йилдан буён юртимизда 11 ноябрь куни байрам сифатида кенг нишонланиб келинмоқда.

Куни кеча давлатимиз раҳбари ушбу байрам муносабати билан соҳа ходимларига табрик йўлади. Табрикда таъкидланганидек, саккиз миллионга яқин аъзони бирлаштирган касаба уюшмалари тизими меҳнат муносабатларида адолат ва тенгликни таъминлашда, ходимлар манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнамоқда.

Ҳақиқатан ҳам касаба уюшмалари ўз фаолиятида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги, меҳнат муҳити ва оила аъзоларининг саломатлигига эътибор қаратиб келаётгани эътирофга лойиқ.

Шунингдек, сўнгги йилларда касаба уюшмалари фаолияти натижасида қарийб 500 минг фуқаронинг ҳуқуқлари тиклангани, 21 мингдан ортиқ меҳнат муҳофазаси бўйича камчиликлар бартараф этилгани, бир миллионга

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИНИНГ ИШОНЧЛИ ТИЗИМИ

яқин ходим ва уларнинг оила аъзолари санаторийларда соғломлаштирилгани, 800 минг нафардан зиёд болалар учун ёзги оромгоҳлар ташкил этилгани қайд этилди.

Бу рақамлар орқали аҳолининг ҳаётида амалий ўзгаришлар содир бўлгани, касаба уюшмалари ишининг натижаси кўзга кўринарли экани очик-ойдин намоён бўлади. Шу билан бирга, бу ташаббуслар халқ ва давлат ўртасидаги ишонч муҳитини мустаҳкамлайди, меҳнат муносабатларида барқарорлик ва ижтимоий адолатни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда ҳудудларда айниқса, юртимизнинг энг чекка, тоғ ва тоғ олди баҳаво жойларида Касаба уюшмалари Федерация томонидан замонавий санаторийлар, сихатгоҳлар ва оромгоҳлар барпо этилгани, мавжудлари тубдан қайта реконструкция қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Уларда нафақат юртимиз аҳолиси, балки кўплаб хорижий давлатлар фуқаролари ҳам ўз саломатлигини тикламоқда ва ўзгаришларни алоҳида эътироф этмоқда. Бу касаба уюшмалари нафақат ижтимоий ҳимоя, балки аҳоли ҳаёти сифатини оширишда ҳам самарали роль ўйнаётганининг амалдаги яна бир тасдиғидир.

Айтиш керакки, охириги йилларда аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида муҳим ислохотлар амалга оширилди ва бу ўз навбатида ишчи-ходимлар ҳуқуқларини таъминлашда янги имкониятлар очди. Янги қонунлар ва кодекслар ишлаб чиқиши, касаба уюшмалари фаолиятининг кучайиши ҳамда иш берувчи ва ходимлар ўртасида ҳамкорлиқнинг янада самарали йўлга қўйилиши бу жараённинг асосий белгиси

ҳисобланади.

Масалан, янги тахрирдаги Конституция ва Меҳнат кодекси, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги яхлит қонунлар қабул қилингани ҳамда бир қатор қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани бу йўналишдаги муҳим қадамлар бўлди. Хусусан, меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббусига кўра бекор қилишда касаба уюшмаси кўмитаси ёки маҳаллий меҳнат органи билан келишиш жараёнларини соддалаштириш орқали хабардор қилиш тартибига ўтказиш тегишли қонунларда белгилангани ишчи-ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятлари янада кенгайишига олиб келади.

Бугунги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Қонунчилик палатаси ўртасида яқиндан ва тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Жумладан, қўйи палата кўмиталари ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари таркибида касаба уюшмалари вакиллари фаол иштирок этиши қонун ижодкорлиги жараёнида ходимлар манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларидан бирига айланди. Бу эса қонунларни қабул қилишда ходимлар манфаати янада ишончли ҳимоя қилинишига хизмат қилмоқда.

Ҳар ойнинг охириги ҳафтасида халқ билан мулоқот қилиш, одамларни ўйлантираётган масалаларга ечим топиш мақсадида сайлов округларида фаолият олиб борамиз. Ислохотларнинг ижроси юзасидан кўплаб ижобий натижаларнинг ҳам гувоҳи бўламиз. Хусусан, касаба уюшмалари томонидан хотин-қизларнинг жамиятда ўз ўрнини топишида, уларнинг бандлигини таъминлашдан тўғри ҳатто эҳтиёжманд ва оғир ижтимоий аҳволга

тушиб қолган аёлларга уй-жойлар қуриб бериш бўйича кўплаб лойиҳалар амалга оширилди.

Касаба уюшмалари ўтган даврда хотин-қизлар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича ҳам катта тажриба тўплади. Хусусан, улар “Аёллар дафтари” орқали 4,5 миллион эҳтиёжманд, кам таъминланган хотин-қизларга ёрдам кўрсатишда бош-қош бўлди.

Давлат раҳбари халқаро меҳнат стандартларини миллий қонунчиликка татбиқ этиш, 2026–2030 йилларга мўлжалланган “Муносиб меҳнат” дастурини ишлаб чиқиш ҳамда касаба уюшмалари фаолиятининг янги стратегик йўналишларини белгилаш долзарб вазифа эканини ҳам қайд этди.

Бу ташаббуслар нафақат меҳнат соҳасидаги ижтимоий адолатни мустаҳкамлайди, балки ишчи-ходимлар учун замонавий ва қулай меҳнат муҳитини яратишга ҳам хизмат қилади. Шу йўналишдаги ишлар меҳнат муносабатлари самардорлигини ошириш, ходимлар ҳуқуқларини таъминлаш ва аҳолининг ҳаёт сифатига тўғридан-тўғри ижобий таъсир кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Бундан ташқари, касаба уюшмалари учун стратегик йўналишларни белгилаш уларнинг фаолиятини янада самарали ва мақсадли қилади, ишчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий кўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштиришда янги имкониятлар очади.

Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП фракцияси
аъзоси.

НУҚТАИ НАЗАР



Мурат ДАНИЯРОВ,
Ўзбекистон касаба
уюшмалари Федерацияси
Қорақалпоғистон кенгаши
раиси ўринбосари.

Мамлакатимизда эркин ва фаровон ҳаёт, демократик қадриятини қарор топтириш йўлидаги ислохотлар суръати бугун жадал бормоқда. Айни жараёнда 120 йиллик тарихга эга бўлган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кўп миллион сонли меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг муносиб ҳаёт кечиришлари учун шарт-шароит яратишда муҳим роль ўйнамоқда.

Президентимизнинг Касаба уюшмалари куни муносабати билан йўлаган табригида бу ташкилотнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти чин маънода эътироф этилди. Албатта, Федерациянинг Қорақалпоғистон кенгаши томонидан ҳам сўнгги беш йилда эътирофга арзигулик ишлар бажарилди.

Мазкур кенгаш меҳнатга оид ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, ижтимоий ёрдамлар кўрсатиш ва меҳнат муҳитини яхшилаш бўйича кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Ижтимоий йўналтирилган давлат дастурлари ижроси доирасида Қорақалпоғистонда 69 мингдан ортиқ ишчи-ходимга жами 25 млрд 655 млн сўмдан

ИНСОН ҚАДРИНИ УСТУН БИЛИШ – БАРЧА ЮТУҚЛАРИМИЗ НЕГИЗИ

зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Шундан 12 млрд 13 млн 443 минг сўми корхоналар, 9 млрд 610 млн сўмдан ошиги касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан тўланди.

Шунингдек, иш ҳақлари, компенсациялар ва маънавий зарарлар бўйича 6 млрд 460 млн 856 минг 177 сўм ундириб берилди. Меҳнат муҳофазаси бўйича 69 та мурожаат суд орқали ҳал қилиниб, 4 млрд сўмдан зиёд маблағ ходимлар фойдасига ҳал этилди. Меҳнат ҳуқуқига дахлдор 3 минг 860 дан ортиқ камчилик бартараф қилинди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда ногиронлиги бўлган 30 нафар ишчи-ходимнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинди ва уларга етказилган зарар суд орқали ундирилди. Ушбу сэй-ҳаракатлар фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳимояга оид ҳуқуқларини кафолатлаш натижадорлиги ошаётганини кўрсатади.

АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИМИЗДА

Аёл бахтли бўлса оила, жамият мустаҳкам бўлади. “Аёллар дафтари” тизими 2021 йилдан буён хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилашга хизмат қилмоқда. Ушбу дастур орқали ҳудудимизда 250 мингдан ортиқ хотин-қизларнинг ҳаётий муаммолари ҳал қилинди ва бунинг учун 329 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Шунингдек, 6 мингдан зиёд опа-сингилларимиз учун юртимиз бўйлаб саёҳатлар ташкил қилинди. Бундай табдирлар уларнинг шахсий

ривожланиши ва ижтимоий фаоллигини оширишга ёрдам бериши табиий.

Фарзандларимиз - бизнинг келажагимиз. Шу нуқтаи назардан Қорақалпоғистондаги касаба уюшмалари томонидан 11 та стационар турдаги соғломлаштириш марказида ўғил-қизларимиз таътил мавсумини марокли ўтказиши учун имконият яратилган. Бундан ташқари, 2020 йилда фаолият бошлаган “Оқ кема” маркази аллақачон болажонларнинг сеvimли масканига айланган. Мазкур масканда ҳар йили 1 ярим минг нафардан ортиқ фарзандларимиз дам олиши баробарида маънавий-тарбияларда иштирок этади.

Тизим орқали ёшлар манфаати устуворлиги таъминланмоқда. Бола парварishi учун таътилда бўлган 328 нафар ёш онага 145,5 млн сўм моддий ёрдам берилиб, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 2 минг 840 нафар оила фарзандларига ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилинди.

Ҳар йили 15 февраль – Халқаро болалар саратон касаллигига қарши кураш куни муносабати билан «Мен донорман» акцияси доирасида Нукус шаҳридаги Республика қон қуйиш марказида, шунингдек, 14 июнь – Бутунжаҳон донорлар кунига бағишлаб “Қон топширинг, дунёда ҳаёт давом этсин!” шиори остида кўнгилли ёшлар иштирокида ижтимоий табдирлар ўтказиш ҳам анъанага айланган.

Шу ўринда Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон кенгаши фаолиятини намуна қилиб келтириш жоиздир. Кенгаш томонидан ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш борасида биргина шу йилнинг 9 ойида 405,4 млн сўмлик маблағ сарфланди. “Кўхинур”, “Турон”, “Хонқа”, “Зомин” каби санаторийларга бепул йўлланмалар тақдим қилинди.

Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бирлашган кўмитаси ҳам ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий-маърифий ҳаётини

фооллаштириш, ички туризмни ривожлантириш борасида самарали ишларни амалга оширди. Жумладан, жорий йилнинг 9 ойи давомида турли йўналишда келиб тушган 200 га яқин мурожаатлар ўрганилиб, меҳнаткашлар фойдасига қонуний ҳал қилинди. Тармоқ тизимидаги бошланғич ташкилотларнинг иш режаларига меҳнаткашлар ўртасида маданий-маърифий ва спорт тарғиботини амалга ошириш киритилгани диққатга молик.

Кўмита ташаббуси билан Хўжайли туманида Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатига 120 йил тўлиши муносабати билан мусобақа ташкил

берилгани бунга мисол. Касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги олдидан уюштирилган “Фахрийлар – касаба уюшма эъзозиди”, “Уч асбоб учрашуви”, спорт мусобақалари, “Заковат” интеллектуал ўйинлари меҳнат жамоалари маданий-маърифий ҳаётида ёрқин из қолдирмоқда.

Худди шундай, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ҳам Қорақалпоғистонда жамоа шартномалари орқали мақсадли ишлар олиб борилди. Жумладан, корхона-ташкилотларда ишловчи ходимларга нафақа ёши ва юбилей саналари муносабати билан табдирлар




қилинди. Нукус шаҳар бошланғич ташкилотлари ўртасида мини футболнинг шаҳар биринчилиги ўтказилган бўлса, “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси кубоги”да шахмат иштирокидаги ўзаро беллашди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва “яшил” иқтисодиёт йилига бағишлаб элликдан ошди корхона ва ташкилот жамоаларида “Маънавият соатлари” ўтказилди.

Яна бир жиҳат. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон кенгаши томонидан меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши бўйича жамоатчилик назорати кенгайтирилмоқда. Юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган мурожаатлар ижобий ҳал қилиниб, 4 миллиард сўмдан зиёд иш ҳақи ундириб

ўтказилиб, рағбатлантирилди. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида “Беш ташаббус олимпиадаси” ва спорт мусобақалари, мактабгача ва мактаб таълими тизимида фаолият юритувчи ходимлар ўртасида “Саломат танда – соғлом билим” шиори остида Касаба уюшмаси кубоги ўтказилди. Ички туризмни ривожлантириш, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари маданий дам олишини ташкил этиш доимий эътибор марказидадир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, инсон қадри ва унинг меҳнатини эъзозлаш ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг негизи ҳисобланади. Янги Ўзбекистон, Янги Қорақалпоғистонда яшаётган жамики меҳнат аҳли буни ўз ҳаёти мисолида яққол кўриб, ҳис қилиб турибди.





ИЖТИМОЙ СИЁСАТ

10 ноябрь куни Тошкент давлат тиббиёт университетида соғлиқни сақлаш ходимлари, соҳанинг илғор вакиллари билан учрашувда давлат раҳбари томонидан билдирилган фикрлар, танқидий ёндашувлар, салмоқли ташаббуслар мазмун-моҳияти билан тиббий ислохотларда тамомила янги босқич бошланишига ишора берди. Ягона мақсад шу – тиббий ислохотлардан халқимиз рози бўлиши керак.

ТИББИЙ ИСЛОҲОТЛАРДАН ХАЛҚ РОЗИ БЎЛИШИ КЕРАК

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Статистикада келтирилишича, сўнгги йилларда юртимизда тиббиёт соҳасининг ўзига 230 триллион сўм (20 миллиард доллар) йўналтирилган. Натижада жойларда 187 та янги поликлиника ва шифохона ишга тушган, 1 минг 244 таси реконструкция қилиниб, янгидан жиҳозланган. Аҳамиятлиси, бирламчи тиббиёт муассасалари қуввати 60 фоизга ошиб, тиббий хизмат аҳолига сезиларли яқинлашди. Илгари асосан пойтахтда бажарилган юқори технологик ва диагностика-даволаш усулларининг 400 дан ортиғи ҳудудларда амалга оширилмоқда. Юзлаб мураккаб амалиётлар вилоят марказларига, кам инвазив операциялар туман даражасига туширилди. Биринчи марта 45 та туманда буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти йўлга қўйилгани тиббиётдаги қадам-бақадам ўзгаришларнинг халқчилигидан далолат беради.

Мухими, мамлакатимизда ўртача умр давомийлиғи эркаклар ўртасида 71 дан 73 ёшга, хотин-қизларнинг орасида эса 76 дан 77,5 ёшга узайди. Бунда, албатта, соғлиқни сақлаш тизимида меҳнат қилаётган 600 мингдан зиёд ходимларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Бироқ, ҳолисона қараганда, соҳада изчил ўнглишлар билан бир қаторда муайян камчилик ва муаммолар ҳали-ҳануз ечимини кутаётганини ҳам кўрамиз. Айтайлик, бугунги кунда юртимиз аҳолиси ўртасида дори воситаларига қарамлик кузатилади. Бу талабга яраша дорихона бизнеси “ғўллаб-яшнамоқда”. Деярли ҳар қадамда дорихонага дуч келамиз. Бу эса аҳолига рецептсиз дори сотиш ҳолатларига чек қўйиш ва назоратни кучайтиришни мушкуллаштирмоқда. Халқимизнинг дори воситаларидан фойдаланиш маданиятини ҳам, афсуски, юксак даражада дея олмаймиз. Шамолласа ёки бошқа турдаги касалликка чалинса, шифокор кўригига бормай, телевизорда кўрган рекламадаги ёки кимдир тавсия қилган ҳапдори ё сиропни тўғридан-тўғри дорихонадан сотиб олиб, қабул қилиш, пала-партиш антибиотиклар олиш ҳолатлари жуда кўп. Бир турдаги дорининг турли дорихоналарда турлича нархда сотилиши, айрим “учар” тадбиркорларнинг мавсумий касалликлар авж олган паллада талаб юқори бўлган дори воситаларини қиммат нархларда сотиши ва бу аҳолининг эҳтиёжманд қатлами учун оғир вазиятни пайдо қилаётгани ҳам бор гап.

Дарвоқе, соғлиқни сақлаш тизимидаги ушбу масалага ЎЗХДП ўз Сайловли дастурида эътибор қаратган бўлиб, бундай ўзибўларчиликка барҳам бериш учун фармацевтикада назоратни кучайтириш, давлат фармацевтика бозоридаги муаммоларни қонун билан тартибга солиши муҳимлигига урғу беради.

Тиббиётчилар ва фармацевтлар билан мулоқотда шу ҳақида сўз борар экан, аҳоли ўз даромадининг катта қисмини дори-дармонга сарфлаётгани қайд этилди. Юртимиздаги ихтисослашган тиббий марказларга моддий-техник базасини яхшилаш учун охириги беш йилда 7,5 триллион сўм маблағ берилгани, минглаб энг замонавий ускуналар билан жиҳозлангани ҳолда “Бу маблағлар, ускуналар ва дори-дармонлар қандай ишлатилляпти?” деган савол кун тартибига қўйилди. Афсуски, ихтисослашган марказлар илгор ускуналар қувватидан бор-йўғи 25 фоиз фойдаланилаётгани таассуфли.

Юқумли бўлмаган касалликларни эрта аниқлаш ва профилактикаси борасида ҳам ҳали кўп ишлар қилиниши зарур. Мисол учун, охириги беш йилда республикада ошқозон касалликлари 1,5 баробар қисқарган бўлса-да, Қашқадарё ва Навоийда бу бўйича айтарли ўзгариш қилинмаган. Қарши шаҳри, Ангор ва Бўстон туманларида юрак-қон томир касалликлари юқори бўлишига қарамасдан, республика кардиология маркази фаолиятида мазкур муаммони ҳал этиш ҳаракати кўринмайди. Таъкидландики, ушбу марказга уч йил олдин 5 миллион долларга олиб берилган замонавий лаборатория ва симуляция ускуналари бир кун ҳам ишлатилмаган.

Эндокрин касалликларнинг дориси учун ҳар йили 100 миллиард сўм ажратилмоқда. Лекин қалқонсимон без касаллиғи Қорақалпоғистон, Самарқанд, Сурхондарё ва Жиззахда юқорилигича



“

СТАТИСТИКАДА КЕЛТИРИЛИШИЧА, СЎНГИ ЙИЛЛАРДА ЮРТИМИЗДА ТИББИЁТ СОҲАСИНИНГ ЎЗИГА 230 ТРИЛЛИОН СЎМ (20 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР) ЙЎНАЛТИРИЛГАН. НАТИЖАДА ЖОЙЛАРДА 187 ТА ЯНГИ ПОЛИКЛИНИКА ВА ШИФОХОНА ИШГА ТУШГАН, 1 МИНГ 244 ТАСИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНИБ, ЯНГИДАН ЖИҲОЗЛАНГАН. АҲАМИЯТЛИСИ, БИРЛАМЧИ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ ҚУВВАТИ 60 ФОИЗГА ОШИБ, ТИББИЙ ХИЗМАТ АҲОЛИГА СЕЗИЛАРЛИ ЯҚИНЛАШДИ.



қолмоқда. Республика эндокринология маркази тиббий хизматларнинг нархини бир йилда 35 фоизга оширса-да, касалликларнинг профилактикаси билан шуғулланмаётгани танқид қилинди.

Мана шундай шароитда республика ихтисослашган тиббий марказлари, вилоят, туман соғлиқни сақлаш раҳбарлари, оилавий поликлиникалар мудирлари энг куйига тушиб, қайси маҳаллада қандай касаллик кўпайгани ё қамайгани таҳлилини юритиб, даволаш ва профилактика ишларини манзилли, аниқ режа асосида олиб бориши, тиббий ислохотлар учун бюджет ҳисобидан ажратилаётган маблағларнинг тийин-тийинигача мақсадли харж этилишига масъуллик ҳис қилиши лозим.

Давлат раҳбари соҳа ходимлари билан учрашувда бу муаммога тўхталар экан, юқоридаги масъуллар шифохона ва поликлиникага келган бемор қанча вақтини сарфлаётгани, тиббий шифохона кўнгли тўлаптим-йўқми, шу саволни ўзларига бериб, оддий одамлар дуч келаётган қийинчиликларни ҳис қилиб кўришга, уларнинг ҳақли эътирозлари сабабларини излашга, эскича услубда ишлашдан воз кечишга чақирди. Бу бежиз эмас.

Бугун аҳоли орасида давлат тиббий муассасалари хизматига ишонч ва интилиш даражасини юқори деб бўлмайди. Биргина оилавий поликлиникада тор текширувлардан ўтиш учун бир кунни зое кетказиш, у эшикдан-бу эшикка, у қаватдан бу қаватга сарғайиб юриш, шифокорларнинг кўп ҳолларда, юмшоқ қилиб айтганда, номигагина кўрикни амалга ошириб, аслида ҳаммаси ҳам керак бўлмаган узундан-узун дори

рецептларини беришидан безиб қолган одамлар хусусий клиникалар хизматидан фойдаланишни устун кўраётир. Ваҳоланки, хусусий клиникалар давлат шифохоналари билан тенгма-тенг туриб, айрим юқори технологик хизматлар бўйича олдинга ўтиб ҳам кетди. Масалан, жарроҳликда робот технологиялари биринчилардан бўлиб хусусий секторда қўлланди. Ҳаттоки хусусий клиникаларда кўрсатилаётган хизмат нархлари ўрганилганида, республика ихтисослашган марказларидан арзон экани маълум бўлди. Умуман олганда, ҳозирги кунда мамлакатимизда хусусий клиника ва лабораториялар 9 мингтага етиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг 30 фоизи улар ҳиссасига тўғри келаётгани, илгор ташаббуслар ҳам улардан чиқаётгани эътирофга арзийди.

Шундай қилиб, 2026 йилдан тиббиётда халқнинг баҳосини эшитадиган тизим жорий қилиниши кўзда тутилмоқда. Бундан буён вилоят ва туман соғлиқни сақлаш раҳбарларининг кунлик қабули маҳаллаларда ўтказилиши, тизимда халқ билан тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйиш белгиланди. Соғлиқни сақлашда самарадорлиқни, қўлайлиқни ва шаффофлиқни таъминлаш учун рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш юзасидан қатор вазифалар санаб ўтилди.

Шавкат ЭРМАТОВ,
халқ депутатлари Фарғона вилоят
Кенгаши депутати, фахрий шифокор:

– Соғлиқни сақлашни трансформация қилиш жараёни кизгин кечаётган бир пайтда одамларимизни ўйлантираётган

муаммолар ҳам йўқ эмас. Жойларда аҳоли билан учрашувлар ўтказиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш асносида бунинг кўп бора гувоҳи бўламиз. Ўрганиш ва кузатишларга таяниб айтиш мумкинки, жамиятимизда тиббий хизмат тизимида асосий муаммо – бу соҳадаги айрим ходимлар фаолиятида ўз ишига, касбий бурчига беписанд қараш, таъмагирлик иллатининг мавжудлиғи билан боғлиқ.

Албатта, ҳамкасбларимиз орасида беморлар дардини ўз дарди каби қабул қилиб, билим ва салоҳияти билан, жонқуярлиғи билан қанчадан-қанча инсонларнинг яна соғлом ҳаётга қайтишига сабабчи бўлган тиббиётчилар сон-саноксиз. Бироқ гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек, онда-сонда учраб турадиган юқоридаги каби ҳолатлар жамиятимизда баъзан соғлиқни сақлаш тизими ва ундаги ўзгаришларга ишончсиз муносабатни шакллантиргани сир эмас.

Қарични кенгроқ олиб ўйлаб кўрсак, айна вазият узоқ йиллик олий тиббий таълимдан сўнг кечани кеча, кундузни кундуз демай, меҳнат қилаётган шифокорларнинг, қолаверса, ўрта тиббиёт ходимларининг ижтимоий ва моддий таъминотини яхшилашга эҳтиёж етилиб келганидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбарининг “Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида”ги қарори асосида энди мана шу эҳтиёжга жавобан кўплаб яхши ва янги ўзгаришлар амалга ошириладиган бўлди.

Соғлиқни сақлаш ходимларига барча турдаги давлат хизматлари учун тўловлар миқдори 2 баробар қамайтирилиши, Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари куни муносабати билан ҳар йили рағбатлантирилиши, республика ва ҳудудий миқёсда танловлар ўтказилиб, ғолиблар яхшигина пул мукофоти билан тақдирланиши, 2026 йил 1 апрелдан давлат тиббиёт муассасаларининг иш вақти режими иш ҳақи сақланган ҳолда 5 кунлик иш ҳафтасига ўтказилиши соҳа вакилларида ўз ишига рағбат ва масъулиятни оширади. Камида 15 йил иш стажига эга бўлган тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг фарзандлари олий таълим ташкилотларида бакалаврият йўналиши бўйича ўқиши учун йиллик контракт суммасининг 30 фоизи, ҳар йили 500 нафар тиббиётчи ва фармацевтга ипотека кредити асосида сотиб оладиган уй-жойи учун дастлабки бадал тўловининг 25 фоизи қоплаб берилиши катта аҳамиятга эга мадад аслида.

Соғлиқни сақлаш ходимларини бу йўсунда қўллаб-қувватлаш механизмларининг жорий қилиниши ўз натижасини бериши муқаррар. Шу билан бир қаторда, тиббиётда сифат кўрсаткичларини ошириш, замонавий ёндашувларни олиб кириш борасида ҳали кўп ишлар қилиниши кераклигини ҳам қайд этиш керак. Бу ҳақида 10 ноябрь куни давлат раҳбари соҳа ходимлари билан учрашувда алоҳида тўхталиб ўтгани, ҳаётий зарур бўлган янги ташаббуслар илгари сурилгани барчамизнинг кўнглимиздаги гап бўлди.

Муқаддас РАҲМАТУЛЛАЕВА, халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгаши депутати, 44-сонли оилавий поликлиника бош шифокори:

–Президентимизнинг тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қўллаб-қувватлаш бўйича қарори халқ саломатлиғи йўлида меҳнат қилаётган юз минглаб жонқуяр касб эгаларини қувватларга бўлса, Тошкент давлат тиббиёт университетида соҳа вакиллари билан учрашув шифокор-у ҳамшираларга, фармацевтларга зиммасидаги бурч ва масъулиятни янада чуқур ҳис этиб, оқ халатга доғ туширмаслик аслида виждон иши эканини яна бир карра ўйлаб кўришларига туртки берди.

Учрашувда соҳадаги долзарб масалалар ва устувор вазифалар айтиб ўтилди. Тиббий таълимдаги ислохотларни давом эттирган ҳолда оиланинг барча ёшдаги аъзоларига малакали тиббий хизмат кўрсата оладиган оилавий шифокорлик институтини ривожлантириш шулар жумласидан.

Келгуси ўқув йилидан тиббиёт олийгоҳларининг бакалавр босқичида педиатрия ва даволаш йўналишларини ўз ичига олган ўмумий тиббиёт факультети очилиши эълон қилинди. Уларда оилавий шифокорлик мутахассислиғи бўйича резидентура ва магистратура ҳам йўлга қўйилади. Резидентурада таълим олаётган талабалар бепул ўқиш билан бирга оилавий шифокор сифатида ишлаб маош оладилар. Резидентура битирувчиси оилавий шифокорлик бўйича тор соҳа дипломи ва 150 фоизли устамага эга бўлади.

Шунингдек, тиббий таълим сифатини баҳолаш бўйича уч босқичли тизимга ўтилиши, олий маълумотли ҳамширалар улуши кўпайтирилиши, яқин келажақда “Онлайн-шифокор” хизмати доирасида аҳолига масофадан тиббий маслаҳат бериш имконияти яратилиши пировардида малакали ва қафолатланган тиббий хизматни халққа янада яқинлаштириш жараёни тезлаштиради.

Тиббиётдаги ўзгаришлар ижтимоий ислохотларнинг ҳаёб-ҳайвонлигини, салмоғини акс эттирувчи кўзгу. Бугун халқимиз тиббиётдаги ислохотлардан рози ва мамнун бўлса, шунинг ўзи бемисл ютқидир.

Фарида МАҲКАМОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ

ТОШКЕНТ МЕТРОСИНИНГ “ЕР УСТИ ҲАЛҚА ЙЎЛИ” ЙЎНАЛИШИ ФАОЛИЯТИ ЎРГАНИЛДИ

Сўнгги кунларда ижтимоий тармоқларда Тошкент метросининг “Ер усти ҳалқа йўли” йўналиши ҳали ишга тушмагани ҳақида турли хабарлар тарқалди.

Ушбу маълумотлар аҳолида турли саволларни уйғотган эди. Бу ҳолат юзасидан “Тошкент метрополитени” давлат унитар корхонаси (ДУК) расмий баёнот бериб, йўналиш техник сабабларга кўра қисқа муддатли таъмирда бўлганини маълум қилди. Баёнотда таъкидланишича, муаммолар бартараф этилиб, йўналиш яна ўз фаолиятини бошлаган.

Маълумотларни жойида ўрганиш ҳамда аҳолига етказиш мақсадида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Зулфия Мўминова бошчилигида ишчи гуруҳ тузилди. Ушбу гуруҳга Янгиҳаёт туман Кенгашидан сайланган депутатлар ҳам кирди. Депутатлар “Қипчоқ” метро бекатида бўлиб, “Ер усти ҳалқа

йўли” йўналишининг амалдаги ҳолатини ўрганди.

Ўрганиш жараёнида депутатлар “Тошкент метрополитени” ДУКнинг инженер-техники Акмал Алиқулов билан учрашиб, йўналишнинг таъмирлаш жараёни ҳамда тўлиқ ишга туширилиши бўйича батафсил маълумот олишди. Маълум бўлишича, “Ер усти

ҳалқа йўли” йўналиши жорий йилнинг 1 ноябрь тонгидан бошлаб тўлиқ ишга туширилган ва йўловчиларга мунтазам хизмат кўрсатишни бошлаган. Ҳозирда йўналиш бўйлаб 12 та ҳаракат таркиби 7 дақиқалик интервал билан қатнамоқда.

Шунингдек, депутатлар йўналиш фаолиятини ўрганиш чоғида метродан фойдаланаётган йўловчилар билан ҳам суҳбатлашди. Фуқаролар метро йўналишининг қайта ишга туширилганидан мамнун эканликларини билдириб, бу янгилик уларнинг кундалик ҳаётида катта қулайлик яратганини таъкидлади. Улар айниқса, йўналишда ҳаракатнинг мунтазам ва узлуксиз бўлишини

юқори баҳолади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлари томонидан олиб борилган ўрганишлар якунида транспорт инфратузилмасининг барқарор ишлаши аҳолининг ҳаёт сифати, қулайлиги ва ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди. Депутатлар шунингдек, йўналишнинг барқарор фаолияти устидан доимий мониторинг олиб борилишини маълум қилишди.

Жамиятда транспорт инфратузилмасининг ишончли ва узлуксиз фаолияти нафақат кундалик ҳаракатни осонлаштиради, балки аҳоли ишончини оширади ва шаҳар

ҳаётида ижтимоий барқарорликни таъминлайди.

- Биз жойида ўрганиш олиб бориш орқали йўналишнинг тўлиқ ишга туширилганини кўрдик. Йўловчилар учун бу катта қулайлик яратган. Йўналишнинг қайта фаолиятга кириши шаҳар транспорт тизими учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Йўловчилар билан суҳбатларимизда уларнинг мамнунлигига гувоҳ бўлдик. Биз доимий мониторинг олиб бориш орқали йўналишнинг самарали ишлашини назорат қиламиз, - дейди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутати Зулфия Мўминова.

Ўз мухбиримиз.

ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Фарғона: ЭНГ ФАОЛ ДЕПУТАТ АНИҚЛАНДИ



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бешариқ ҳамда Ўзбекистон туманидан сайланган депутатлар иштирокида "Энг фаол депутат" кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши аппарат ходимлари, туман партия ташкилотлари вакиллари, Бешариқ ҳамда Ўзбекистон туманларидан сайланган депутатлар, шунингдек, жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Мазкур танлов партиянинг сайловолди дастурига киритилган асосий вазифалар ижросини таъминлаш, маҳаллий депутатлик гуруҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда барча даражадаги депутатлик корпуси салоҳиятидан унумли фойдаланиш мақсадида ўтказилди.

Танловда иштирок этган депутатлар ўзлари сайланган ҳудудларда амалга ошираётган ишлари ҳақида тақдимотлар ўтказдилар, аҳолининг муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар манфаатларини ҳимоя қилиш, партия дастурий мақсадларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича амалий ҳаракатларини намойиш этдилар. Шунингдек, улар тезкор савол-жавоблар орқали ўз сиёсий билимларини синовдан ўтказдилар ва жамоатчилик олдида нотиклиқ маҳоратини кўрсатдилар.

Беллашув жараёнида ҳакамлар ҳайъати ҳар бир иштирокчининг чиқиши, билим савияси ва амалий фаолиятини шаффофлик асосида баҳолаб борди.

Беллашув якунига кўра, Бешариқ туманидаги 11-Қашқар сайлов округидан сайланган депутат Жаҳонгир Мадаминов “Энг фаол депутат” деб топилди ва 1-ўринни қўлга киритди.

Тадбир якунида ғолиб ва фаол иштирокчилар партия ташкилоти томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Хива: ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?



Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши депутатлари Хива туманидаги Шайх Нажмиддин Кубро маҳалласида жойлашган 4-сонли умумий ўрта таълим мактабининг куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолатини ўрганди.

Мазкур таълим муассасаси 1977 йилда қурилган. Ҳозирда мактабда 100 нафар ўқитувчи ва

хизматчилар фаолият юритиб келмоқда. Мактабда бугунги кунда 1072 нафар ўқувчи таълим олмоқда.

Ўрганишларда маълум бўлишича, мактабга "Опен бюджет" платформаси орқали 700 миллион сўмлик маблағ ютиб олиниб, таълим муассасасининг деразалари янги, замонавийсига алмаштирилган. Шунингдек, мактабнинг фасад қисми ҳам замонавий кўринишда таъмирланган.

Депутатларимиз мактабдаги иситиш қозонларининг ҳолати, мавжуд кўмир захираси ва ёнғин хавфсизлиги бурчаги билан ҳам танишди. Бугунги кунда муассасада 5 та замонавий иситиш қозони ўрнатилган. Ўрганиш жараёнида ўқувчилар учун қулай ва хавфсиз муҳит яратиш ҳамда куз-қиш мавсумида таълим жараёни узлуксиз давом этишини таъминлаш бўйича барча зарур шарт-шароитлар мавжудлиги қайд этилди.

Чилонзор: "САЛОМАТЛИК АКЦИЯСИ" ЎТКАЗИЛДИ

Партиямизнинг Чилонзор туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги 37-оилавий поликлиникада аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва профилактик тиббий хизматларни кенгайтириш мақсадида "Саломатлик акцияси" ташкил этилди.

Акция доирасида жами 62 нафар фуқаро бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Шундан 42 нафари ёши катталар бўлиб, уларга терапевт, кардиолог, эндокринолог, невропатолог каби мутахассис шифокорлар томонидан маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Текширувлар жараёнида 12 нафар фуқаронинг соғлигида аниқланган муаммолар туфайли даволаниш учун кундузги шифохонага ётқизиладиган бўлди.

Тадбир давомида аҳолига соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тўғри овқатланиш ҳамда касалликларни эрта аниқлашнинг аҳамияти ҳақида тегишли тавсиялар берилди.



Юқори Чирчиқ: САМАРАЛИ САЙЁР ҚАБУЛ

Халқ депутатлари Юқори Чирчиқ туман кенгаши 11-Жамбўл сайлов округи депутати Мадияр Ахмедов томонидан Қўрсой маҳалла фуқаролар йиғинида сайёр қабул ташкил этилди. Қабулда тумандаги масъул идора вакиллари, шунингдек, фуқаролар иштирок этди.

Қабул давомида фуқароларнинг турли ижтимоий-иқтисодий, коммунал муаммолари тингланди. Ҳар бир мурожаат юзасидан тегишли чоралар белгилаб олинди.

Жумладан, Қўрсой маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Муштарак кўчаси ёзда чанг, ёғин-сочинли кунларда лой бўлиб аҳолига қийинчиликлар туғдираётганлиги юзасидан кўтарилган муаммо жойида ҳал этилиб кўчанинг 300 метри депутатнинг саъй-ҳаракати билан ҳашар йўли орқали шағаллаштирилди. У ўтказган сайёр қабул аҳолининг мурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини кўчайтириш ва "Инсон қадри учун" тамойилини амалда таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятли бўлди.



Латиф МАНСУРОВ, ЎзХДП Юқори Чирчиқ туман кенгаши раиси.

Қашқадарё: ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИГА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

Мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳаётий манфаатларини амалда таъминлашга қаратилган давлат сиёсатида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Айниқса, тиббий хизматлар аҳолига янада яқинлаштирилиб, маҳаллагача туширилаётганини ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётида ҳис этмоқда.



Ўз навбатида, соҳа ходимларининг хизматларини муносиб қадрлаш, улар учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиб бериш масалалари давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибор марказида бўлиб келмоқда.

Юртимизда кенг нишонланган Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари куни муносабати билан ҳам соҳа вакилларига бир қатор имконият ва имтиёзлар тақдим этилди.

Ўзбекистон ХДП вилоят ва Қарши шаҳар кенгашлари ҳамкорлигида вилоят Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида ўтказилган учрашувда айнан шулар ҳақида сўз юритилди.

Хусусан, соғлиқни сақлаш тизимидаги ўзгаришлар, шифокор ва ҳамшираларнинг фидокорона меҳнатлари қадрланиши, айниқса, пандемия даврида тиббиёт ходимларининг халқимизга кўрсатган машаққатли хизматлари, партия сафидаги тиббиёт ходимлари сонини янада ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, тиббиёт марказидаги партия бошланғич ташкилотининг фаол аъзоларига совғалар, янги қабул қилинган аъзоларга аъзолик гувоҳномалари тантанали равишда топширилди.

Музаффар ТУРОБОВ, ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари.

ЯНГИ ҒОЯЛАР МАЙДОНИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Шу маънода, Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан ташкил этилган “Сиёсатдаги ёшлар” турнири ёшларнинг сиёсий билим ва фаоллигини оширишда муҳим қадам бўлди.

Турнирнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, у ёшларни саводли, сиёсий онги ва маданияти юксак, фаол ва масъулиятли фуқаролар сифатида тарбиялайди. Халқ демократик партияси масъуллари таъкидлашча, бундай тадбирлар ёшлар учун сиёсий майдонни очади, уларнинг жамоавий фикрлаш ва раҳбарлик қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилади. Йигит-қизлар янги фикрлар ва инновацион ёндашувлар билан майдонга чиқади. Меҳнат бозори ва ижтимоий ривожланишда ўз хиссасини қўшади. Жамиятда фуқаролик масъулияти ва ижтимоий фаоллик маданиятини шакллантиради.

Турнир доирасида республика бўйлаб 141 та тадбир ўтказилди. Бу тадбирлар нафақат пойтахтда, балки вилоят ва туман марказларида ҳам бўлиб ўтди. Уларда жами 11 650 нафар ёшлар иштирок этиб, сиёсий жараёнлар, партиявий иш фаолияти ҳамда нотиклик кўникмаларини мустаҳкамлашди.

Бу йилги турнирда мамлакатнинг 69 та олий таълим

муассасасидан талабалар фаол қатнашди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида 275 та жамоа шакллантирилди ва улар турли мавзулардаги сиёсий-интеллектуал беллашувларда иштирок этди.

Беллашувларда ёшлар сиёсий билимдонлик, ижтимоий масалаларга муносабат билдириш, танқидий фикрлаш ва гуруҳда ишлаш қобилиятларини намойиш этдилар. Ҳар бир жамоа нафақат ғалаба учун, балки ўз ғоя ва позициясини илгари суриш учун курашди.

Турнир давомида 42 маротаба интеллектуал салоҳиятни оширишга қаратилган тадбирлар ташкил этилди. Ушбу тадбирлар орқали ёшлар сиёсат, иқтисод, ижтимоий ҳаёт, ҳуқуқ ва демократик қадриятлар соҳасидаги билимларини янада бойитди. Баҳслар давомида ёшлар ўзаро тажриба алмашиб, раҳбарлик қобилияти, жамоавий

фикрлаш ва масъулият ҳиссини ривожлантириш имконига эга бўлишди.

Мухсиддин НИЗОМИДДИНОВ, ЎзХДП “Ёшлар қаноти” раҳбари:

– Турнир фақат мусобақа эмас, балки сиёсий фаолликка даъват этишнинг самарали механизмига ҳам айланди. Натижада 352 нафар ёшлар партия аъзолигига қабул қилинди. Бу рақам ёшлар орасида сиёсий жараёнларга қизиқиш, фаол фуқаролик позицияси ва мамлакат тараққиётига дахлдорлик ҳиссининг ортиб бораётганидан далолат беради.

Бу жараён янги сиёсий етакчиларнинг камол топишига,

партия сафларида интеллектуал салоҳиятга эга, ташаббускор ва масъулиятли ёш кадрларнинг кўпайишига замин яратмоқда.

Турнир доирасида ёшлар нафақат сиёсий билимларини, балки мулоқот маданияти, гуруҳда ишлаш, дебат ва мунозара олиб бориш, ўз нуқтаи назарини асослаш каби муҳим кўникмаларни ҳам шакллантирдилар. Бу уларнинг келгусида жамият ҳаётида фаол иштирок этиши, турли ташаббусларни амалга ошириши учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, турнир доирасида кўплаб маҳорат дарслари, учрашувлар ва семинарлар ташкил этилди. Таниқли сиёсатшунослар, депутатлар, олимлар ва тажрибали мутахассислар иштирокида ўтган учрашувлар ёшлар учун катта илҳом ва тажриба манбаи бўлди.

– Мен учун бу турнир фақат савол-жавоб эмас, балки ўз фикримни очик айтиш, жамоавий

қарорларда иштирок этиш имконияти ҳам. Бу орқали сиёсий жараёнларда ўз ўрнини ҳис қилдим, – дейди Кимё халқаро университети стоматология йўналиши талабаси Мадина Абдусаматова

Партия аъзоси, Халқаро Нордик университети факультети декан ўринбосари Хуршидбек Толибжонов эса бу ҳақида шундай деди:

– Ҳар бир интеллектуал турнир мен учун янги билим ва амалий кўникмаларни олиш майдони бўлди. Жамоам билан маслахатлашиб, қарор қабул қилиш — бу алоҳида тажриба.

Бир сўз билан айтганда, “Сиёсатдаги ёшлар” турнири нафақат билим ва тажриба мактаби, балки ёшлар онгида фуқаролик масъулиятини уйғотувчи муҳим платформадир. У орқали ёшлар сиёсий жараёнларга янада яқинлашибди, фикр билдириш, баҳслашиш ва ташаббус кўрсатиш маданиятини ўзлаштиришди.

Шу маънода, “Сиёсатдаги ёшлар” турнири нафақат партия лойиҳаси, балки ўз тақдирига бефарқ бўлмаган ёшлар ҳаракати сифатида аҳамият касб этмоқда.

Келажак фаол, билимли ва ташаббускор ёшларнинг кўлида. Улар сиёсатда, жамиятда ва давлат бошқарувида ўз ўрнини топса, юртимиздаги ислохотлар барқарор ва самарали бўлади. Шунинг учун ҳам бундай лойиҳалар ёшлар учун нафақат илҳом, тажриба, балки масъулият мактаби бўлиб қолмоқда.

Лазиза ШЕРОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

ШУНДАЙ ЁШЛАРИМИЗ БОР

ИЛМ – ЮКСАК МАҚСАДЛАРГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Илм – бу зиё, мислсиз қудрат тимсоли. Илм йўлини танламоқ эса игна билан қудуқ қазиш каби машаққатли, залворли. Қўйида ҳикомимиз қахрамонлари – бухоролик ёшларнинг эришадиган ютуқлари замирида ҳам илм олишга бўлган чексиз иштиёқлари, заҳматлардан чўчимаслик ва юксак мақсадлари турибди.

ДИЛШОДАНИНГ ОРЗУСИ

Бухоро давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультети 6-босқич талабаси Дилшода Бахронова жорий йилнинг 8 март байрами арафасида Зулфис номидagi Давлат мукофоти билан тақдирланди. Унинг бундай юксак эътирофга муносиб топилгани бежиз эмас.

Дилшоданинг шууридаги тиббиётга ҳавас онасидан ўтган. Эрта вафот этган онасининг тиббиёт илми билимдони бўлиш истagini Дилшода рўёбга чиқарди.

— Раҳматли онам терапевт врач эди ва “Тиббиётнинг энг қийин, аммо энг кўп завқ берадиган йўналиши — педиатрия. Бу соҳа вакиллари бегубор қалб эгалари — жажжи беморларга ёрдам беришади. Шунинг учун сен Бухорода энг зўр педиатр бўлишинг керак”, дердилар. Уларнинг бу сўзлари ҳамиша мени руҳлантириб келди, — дейди Дилшода.

Дилшода тиббиёт илмини чуқур ўрганиш баробарида тадқиқот ишларини ҳам олиб бормоқда. Айни чоғда 2 яшар бўлган қизи муддатидан олдин туғилгани учун неонатология йўналиши уни ўзига жалб этган. Бу борада кўп изланди. Бунда илмий раҳбари — педиатрия кафедраси мудири Шаҳноза Мухаммедова уни қўллаб-қувватлади. Дилшода болаларнинг ўсиши ва ривожланишини баҳоловчи ҳамда оналарга тавсиялар берувчи мобил илова яратди. “Happy and Healthy Child” лойиҳаси доирасида ишлаб чиқан платформаси Дастурий махсусотлар давлат реестрида рўйхатга олинди.

Дилшода шу кунларда яна бир ихтироси учун муаллифлик ҳуқуқини олиш ҳаракатида. У “Ил талабаси – 2023” танловида энг ихтирочи-инноватор талаба деб топилди. 2024 йил Россияда ўтказилган халқаро “Интеллектуал билимдон” олимпиадасида педиатрия фанидан ва

Қозоғистонда бўлиб ўтган “Биз иқтидорли ёшларимиз” танловида 1-ўринларни эгаллади. Грузия, Италия ва Хитойда қатор халқаро анжуманларда муваффақиятли иштирок этди.

Дилшода тиббиёт ходимлари учун 2 та услубий қўлланма яратган, халқаро ва маҳаллий нашрларда 30 дан ортиқ мақолалари чоп этилган.

– 2022 йилда “Мирзо Улуғбек ворислари” республика танловида ғолиб бўлдим, – дейди Дилшода. – Унда мактабгача таълим муассасаларида тиббий онгни шакллантириш бўйича 52 та дарсдан иборат мультипликацион машғулотлар лойиҳасини тақдим қилгандим. Лойиҳани Когон туманидаги 5 та боғчада кўнгиллилар гуруҳи билан синовдан ўтказдик. Бунда асосан гигиена қоидаларини болаларга тушунарли услубда етказиб бериш мақсадини кўзлаган эдик. Лойиҳамиз юқори баҳоланди.

Қаҳрамонимиз ҳозирда олиб бораётган илмий иши чақалоқларда инвазив муолажаларни камайтириб, ноинвазив, ишончли инновацион ташхис усулларини яратишга қаратилган.

— Педиатрия соҳасида ўрганилмаган жиҳатлар талайгина, — дейди у. — Орзуим – уларни илмий-амалий таҳлил қилиш, болалар орасида касалликлар профилактикасини кучайтиришга ўз ҳиссамни қўшишдир.

ИХТИРОЛАР ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТДАН БОШЛАНАДИ

Юртимизда жорий қилинган “Мирзо Улуғбек ворислари” танлови иқтидорли ёшлар учун ўз инновацион ғоялари, робототехника, дастурлаш, муқобил энергия, сунъий интеллект каби замонавий соҳалардаги ишланмалари билан иштирок этиш, янги марралар сари интилиш имконини бермоқда.

Ана шундай ёшлардан бири – Бухоро давлат университети кимё йўналиши талабаси Жаҳонгир Назаров мазкур танлов натижаси ўлароқ ўз ихтиросини амалиётда қўллаш учун руҳсатнома олди.

Жаҳонгирнинг илк илмий ишланмаси — беморларнинг дори воситаларини қабул қилиш жараёнини массофавий назорат қилувчи қўл соати ҳисобланади. Бу соат шифокорнинг бемор ҳолатини реал вақт режимиде онлайн кузатиши учун мўлжалланган. Агар бемор белгиланган дорини вақтида қабул қилмаса, соат блокланади ва шифокорга электрон хабар узатилади.

Шунингдек, агар соат уриб синдирилса ёки ечилса, бу ҳақида масъул ходимларга электрон равишда хабар юборилади. Фавқулодда вазиятлар учун махсус тугма ҳам мавжуд. Агар беморнинг аҳволи ёмонлашса ёки доридан нохуш таъсир кузатилса, яқин қариндошлари тугмани босиб орқали шифокорга хабар бериши мумкин.

Ҳозирда “Time Pill” деб номланувчи бу соат учун патент олинган ва у амалиётда синаб кўриломоқда. Мазкур қурилма, айниқса, рухий хасталар, қариялар ва болалар учун муҳим бўлиб, дориларни назоратли ва хавфсиз қабул қилиш тизимини таъминлайди. Бу эса нохуш ҳолатларнинг камайиши ва даволаниш сифатининг ошишига хизмат қилади. Дарвоқе, лойиҳа нафақат Ўзбекистонда,

балки халқаро миқёсда ҳам инновацион тиббиёт соҳасида юқори баҳоланмоқда.

— Ихтиролар ҳаётий заруратдан бошланади, — дейди Жаҳонгир Назаров.

— Бундан икки йил аввал сурункали касалликдан азият чекаётган бир яқин инсоним дориларни вақтида қабул қилмагани сабабли соғлиғи ёмонлашди. Мана шу ҳолат менга қаттиқ таъсир қилди. “Нега дориларни эслатиб турувчи ва шифокор томонидан назорат қилувчи қурилма йўқ?” деб ўзимга-ўзим савол бердим. Дастлаб оддий эслатма берувчи қурилма ғоясини режалаштирдим. Кейинчалик эса янги технологиялар — IoT, Bluetooth, GSMдан фойдаланиб, қурилмани кўплаб қўшимча функциялар билан бойитдим.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига кўра, дунё бўйича сурункали касалликларга чалинган беморларнинг 50-60 фоизи дори-дармонларни вақтида ва тўғри қабул қилмас экан. Бу ҳолат, аниқки, беморлар соғлиғи ёмонлашиши ва ҳатто ўлимга олиб келиши мумкин.

Иқтидорли талаба қурилманинг хусусиятлари ҳақида ҳам тушунтириш берди.

— Ҳимояланган корпус мустаҳкам, намлик ва зарбага чидамлили хусусиятига эга. Дорилар фақатгина шифокор (ёки ваколатли ходим) томонидан тўлдирилиши ва қўлфланиши таъминланган. Бу дори миқдори нотўғри ўзгартрилишининг олдини олади. “Time Pill”нинг энг катта афзаллиги — бу шифокорларнинг ишини тубдан ўзгартаришидир. Реал вақт режимда мониторинг қилиниб, шифокор телефон ёки махсус илова орқали беморнинг дори ичишини узоқ масофадан туриб кузатиши мумкин. Бу имкониятлар орқали олис жойларда яшаётган аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилади. Айни пайтда бу қурилмадан руҳий касалликлар шифохонасида фойдаланишмоқда.

Жаҳонгир ёш бўлишга қарамасдан, илмий изланишлари орқали кўплаб ютуқларга эришган. Унинг иккинчи ихтироси экоқоғоздир. У ҳазон барглларини қайта ишлаш орқали олинади ва турли кимёвий моддалар билан ишлов берилиб, экологик тоза қоғоз ишлаб чиқарилади. Бу йўналиш “Чикиндисиз иқтисодиёт” тамойилига асосланган.

Қаҳрамонимиз – Жаҳонгир Назаров Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ташкил этилган Мухандислик танловининг якуний босқичида “Инновацион ғоя етакчиси” кўкрак нишони билан ҳам тақдирланган.

Шахло БАҚОЕВА, журналист.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

НОРАСМИЙ МЕҲНАТ

қисқа фойда, узоқ йўқотиш

Ҳар куни бозорларда, қурилишда, хизмат кўрсатиш соҳасида минглаб одамлар ишляпти. Улар меҳнат қилади, иш ҳақини олади, оиласини боқади. Аммо бир нарса йўқ — расмий иш жойи. Бу дегани, улар “норасмий меҳнат” оламида.

Яъни, улар меҳнат шартномасисиз, солиқ тўламасдан, пенсия жамғармасига ҳисса қўшмасдан ишлайди. Бир қарашда бу оддий ҳолдек туюлади, асосийси, инсонда иш бор, даромад бор. Аммо бу ҳолатнинг узоқ муддатли оқибатлари жуда жиддий.

Дунёнинг барча мамлакатлари сингари Ўзбекистонда ҳам норасмий меҳнат муносабатлари мавжуд. Айниқса қурилиш, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида бу кўрсаткич юқори.

Норасмий меҳнат одамга аввал бошда энгилдек кўринади: ҳеч қандай ҳужжат талаб қилинмайди, солиқ ҳам йўқ, ишни эркин бажариш мумкин. Аммо бу фақат ташқи қулайлик. Асосий хавф шундаки, бундай иш — келажаксиз меҳнатдир.

Масалан, усталар, лицензиясиз такси хизмати, дўконда ёрдамчи сифатида ишловчилар ёки уйда тикувчилик қиладиганлар, сабзавот ва меваларни расмий рухсатномасиз сотадиганлар кўп ҳолларда шартнома тузмасдан ишлайди. Уларнинг меҳнат

ҳуқуқлари қафолатланмаган бўлади. Қариганда ёки меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолганда ижтимоий ҳимоясиз қолади.

Шу жиҳатдан ишчи на пенсияга ҳақ тўплайди, на меҳнат стажы йиғилади. Бир кун касал бўлиб қолса ёки бахтсиз ҳодиса юз берса, ҳеч ким унга ёрдам бермайди. Ҳатто иш ҳақи тўланмаса ҳам, шикоят қилишга ҳужжат йўқ.

Масаланинг яна бир томони бор. Норасмий меҳнат фақат бир инсоннинг муаммоси эмас. Бу бутун жамият иқтисодиётини секинлаштиради. Масалан, 100 минг киши солиқсиз ишласа, давлат йилига юзлаб миллиард сўм йўқотади.

Хўш, шундай экан нега одамлар ҳали ҳам норасмий ишни танлайди?



“

ИҚТИСОДИЁТНИНГ
НОРАСМИЙ СЕКТОРИДА
БАНД БЎЛГАНЛАР КЎПЛАБ
МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ ВА
ИЖТИМОЙ ИМТИЁЗЛАРДАН
МАҲРУМ БЎЛГАНЛАРИ
САБАБЛИ РАСМИЙ
ИШЛАЙДИГАНЛАРГА
НИСБАТАН ЁМОН АҲВОЛГА
ТУШИБ ҚОЛИШАДИ.
АКСАРИЯТ ҲОЛЛАРДА
НОРАСМИЙ БАНДЛАРНИНГ
ЎРТАЧА ИШ ҲАҚИ РАСМИЙ
ИШЛАЙДИГАНЛАРГА
НИСБАТАН АНЧА ПАСТ
БЎЛАДИ.

Хўш, бу дастур қандай амалга оширилмоқда. Масалан, айтилиқ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бозорда сотувчи фуқаро, агар у расман рўйхатдан ўтмаган бўлса-да, ўз меҳнати билан даромад олади. Бундай шахс ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида расмий рўйхатдан ўтса, мажбурий солиқ тўлаш шартлари ўрин олмайди.

Шу тариқа, бозор ва маҳалладаги минглаб фаолият кўрсатувчилар расмий меҳнат бозорига жалб қилиниб, уларга ижтимоий ҳимоя, паст фоизли кредитлар ва пенсия таъминоти каби қулайликлар тақдим этилади.

Маълумки, жорий йилнинг 4 август куни бандлик соҳасини такомиллаштириш, бандлик органларини иш берувчиларнинг ҳамкорига айлантириш, иш берувчиларга тўсиқ бўлаётган жавобгарлик чораларини бекор қилиш, халқаро стандартлар асосида кадрлар тайёрлаш мақсадида давлатимиз раҳбарининг Фармони қабул қилинди.

Фармон билан соҳада бир қатор ўзгартириш ва янгиликлар киритилди. Жумладан, тадбиркорлик субъектларга биометрик идентификация қилиш (Face-ID) орқали электрон меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш ҳуқуқи берилди. 2025 йил 1 октябрдан бошлаб норасмий бандликка йўл қўйган иш берувчиларга нисбатан эса маъмурий жавобгарлик чоралари кучайтирилди. Ислохотлар натижасида норасмий бандлик улуши йил бошига нисбатан 38 фоиздан 33 фоизгача қискарди.

Норасмий меҳнат бу фақат статистикадаги рақам эмас, балки минглаб одамларнинг тақдири. Кўпчилик меҳнатини қонуний рўйхатдан ўтказмагани сабабли нафақа, меҳнат таътили ёки ижтимоий қафолатлардан маҳрум. Бу ҳолат нафақат ишчига, балки бутун иқтисодиётга таъсир қилади.

Ўзбекистонда охириги йилларда “соя” иқтисодиётини қисқартириш, фуқароларни расмий меҳнатга жалб қилиш бўйича жиддий қадамлар қўйилмоқда. Аммо бу ишда фақат ҳукумат эмас, ҳар бир иш берувчи ва ҳар бир фуқаро иштирок этиши зарур.

Чунки расмий меҳнат бу нафақат маош, балки инсоннинг келажакка ишончи, фарзандлари учун қафолат ва жамиятнинг барқарор ривожланиши демакдир.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



Анвархон ТЕМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎЗХДП
фракцияси аъзоси:

– Бугун меҳнат бозоридаги асосий муаммолардан бири — норасмий иш билан бандлик масаласи бўлиб қолмоқда. Расмий маълумотларга кўра, дунё миқёсида ишга лаёқатли аҳолининг қарийб ярми меҳнат фаолиятини расмийлаштирмаган ҳолда амалга оширмоқда. Ўзбекистонда ҳам бу кўрсаткич катта улушни ташкил этади. Бу ҳолат айниқса қурилиш, савдо, транспорт, хизмат кўрсатиш ва маиший хизмат соҳаларида кенг тарқалган.

Буни бир нечта сабаблар билан изоҳлаш мумкин. Масалан, айтилиқ расмий ишга жойлашиш жараёнларидаги мураккаблик ва бюрократик тўсиқлар одамларни энгил йўлни танлашга мажбур этмоқда. Кичик тадбиркорлар ва хусусий иш берувчиларнинг айрим қисми солиқ юқини камайтириш мақсадида ишчиларни расмий рўйхатдан ўтказмайди.

Кичик тадбиркорларнинг тўловлардан қочиш истаги ҳам бунга йўл очиб беради.

Шунингдек, аҳолининг меҳнат ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳуқуқий билими етарли эмаслиги ҳам норасмий секторни ривожлантиради.

Аслида ким бўлишдан қатъи назар — яқка тартибдаги тадбиркорми, ўзини ўзи банд қилган

шахсми ёки кичик корхона эгасими расман рўйхатдан ўтиб, фаолиятини қонуний асосда юртиши лозим.

Келинг, энди бунинг оқибатларига кенгроқ тўхталамиз.

Норасмий секторда ишловчилар ижтимоий ҳимоясиз бўлади. Касал бўлса ёки бахтсиз ҳодисага учраса, унга нафақа ёрдами ёки суғурта тўлови берилмайди.

Меҳнат ҳуқуқлари бузилади. Бундай ишчиларни ишдан осонликча бўшатиш мумкин, чунки уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қиладиган ҳеч қандай ҳужжат йўқ.

Шунингдек, иш стажы ва пенсия жамғармасига тўлови бўлмайди. Бундай сектор давлат иқтисодиётига салбий таъсир этиши аниқ. Масалан, солиқ ва ижтимоий тушумлар камайгани ижтимоий инфратузилманинг ривожланишини чеклайди.

Норасмий секторнинг катталиги иқтисодиётни сиёсатни самарали амалга ошириш ва иқтисодиётни тартибга солишда қийинчилик туғдиради.

Бу қайсидир маънода жамият учун хавфли “ёпиқ айланма” ҳисобланади. Иш берувчига ҳам, ишчига ҳам фойда бермайди — фақат ҳуқуқсизлик ва беқарорликни кучайтиради. Шунинг учун ишни расмийлаштириш — нафақат ҳуқуқ, балки фуқаролик масъулияти ҳамдир.

Иқтисодчилар фикрича, норасмий меҳнат иқтисодиёт учун “кўринмас йўқотиш”дир. Чунки, расмий маълумотларда кўрсатилмаган ҳар бир ишчи мамлакат ялпи ички маҳсулотига ҳисса қўшса ҳам, бу расмий ҳисобда акс этмайди. Натижада давлат реал иқтисодий кўрсаткичларни тўлиқ баҳолай олмайди.

Масалан, агар меҳнат бозоридаги ишчиларнинг 25–30 фоизи норасмий бўлса, бу мамлакат ялпи иқтисодий ўсишини 1–2 фоизга пасайтиради. Бу катта рақам.

ҲАЁТИЙ МИСОЛ — ҲАҚИҚИЙ ҲОЛАТ

Сўхбатимизга норасмий ишловчи Азизнинг тажрибаси ҳам яққол мисол бўлди:

— Азиз, сиз қанча вақтдан бери қурилишда ишлайсиз?

— Саккиз йил бўлди. Ҳеч қачон шартнома қилмаганман. Ҳар куни иш бўлса, пул оламиз. Лекин бир марта жароҳат олганимда, ҳеч ким ёрдам бермади. Шу куни тушундим: ҳимоясиз эканман.


— Демак, “қўлдаги пул” доим қафолат эмас?

— Шундай, расмий иш эмас экан, иш берувчи хоҳласа бермайди ҳам.

Ҳозир мен расмий иш изляяпман, чунки келажак ҳақида ўйлаш керак. Нодира 28 ёшда. Бир хусусий тикув цехида ишлайди. У бизга шундай деди:

— Ҳар ой пулни нақд оламиз, ҳеч қандай қоғоз ёзилмайди. Биз меҳнат шартномасини ҳам тузмаганмиз. Ишхонамизда ҳамма шундай ишлайди. Ўтган ойда болам касал бўлиб қолди, шифохонада даволандик. Ишга чиқолмадим, ойлик ҳам бермади.

Ростини айтсам хафа бўлдим. Мен ҳар куни ишлайман, вақтга риоя қиламан, лекин ҳеч қандай қафолат йўқ экан. Шунда тушундимки, расмий иш — фақат қоғоз эмас, у химоя экан.



ИИВ: КИБЕРЖИНОЯТЛАР УМУМИЙ ЖИНОЯТЛАРНИНГ САЛКАМ ЯРМИНИ ТАШКИЛ ҚИЛМОҚДА

Рақамли технологиялар турмуш тарзимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Бу эса ўз навбатида, ҳар бир кишидан ўз шахсига оид маълумотларни ҳамда банк карта ҳисобварақларидаги мулки хавфсизлигини таъминлаш масъулиятини оширади.

1-30 ноябрь кунлари мамлакатимизда “Кибермаданиятни юксалтириш ойлиги” доирасида Ички ишлар вазирлиги Тезкор-қидирув департаменти Киберхавфсизлик маркази ва Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси томонидан ўтказилган матбуот анжуманида шу ҳақида сўз борди.

Тадбирда кўплаб фуқароларимиз интернет фирибгарларининг ёлғон алдовларига учраб, шахсий ва банк карта маълумотларини тақдим қилиши натижасида ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўраётгани таъкидланди.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда сўнгги беш йилда кибержиноятлар сони 68 бараварга ошган. Ушбу даврда кибермакондаги ҳуқуқбузарликлар юзасидан жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар ҳам 34 баравар кўпайган. Мазкур жиноятлар натижасида фуқароларнинг 1 триллион 909 миллиард сўмдан ортиқ маблағи талон-торож қилинган.

Кибержиноятларнинг умумий жиноятчиликдаги улуши сезиларли равишда ортгани уларнинг олдини олиш заруратини янада долзарблаштирмоқда.

Кибержиноятларнинг асосий қисми (98 фоизи)ни эса банк карталари билан боғлиқ жиноятлар (киберўғрилик ва киберфирибгарлик) ташкил этапти.

– Машҳур шахслар –

санъаткорлар, блогерлар, спортчиларнинг қиёфаларидан фойдаланган ҳолатда ҳам жиноят содир этиш (дипфейк) ҳолати ортмоқда, – дейди ИИВ Тезкор-қидирув департаменти Киберхавфсизлик маркази масъул ходими, капитан Мақсуджон Мирабдуллаев. – Яъни, сунъий интеллект орқали уларнинг сохта видеолари тайёрланиб, онлайн кредитлар расмийлаштириш мақсадида фойдаланиляпти. Одамлар эса бунга ишониб, қурбон бўлмоқда. 31 фоиз жиноятлар шундай йўллар билан содир этилмоқда. Зарарли ҳаволалар ва дастурлар юбориш орқали банк картаси ёки мобиль қурилма бошқарувини қўлга киритиш, бошқа шахс номига ноқонуний онлайн кредит расмийлаштириш, онлайн савдо платформаларидаги фирибгарлик билан боғлиқ ҳолатлар ҳам тез-тез учрамоқда. Мазкур турдаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида қатор ҳуқуқий ва ташкилий техник чоралар кўриляпти.

Марказий банк, тўлов ташкилотлари билан бирга тезкор штаблар ташкил қилдик. Кибержиноят кузатилган вақтда



зудлик билан “102” ёки “11–02” қисқа рақамларига қўнғироқ қилиб, хабар бериш мумкин. Биз биринчи навбатда жиноятдан ҳам кўра пулни тўхтатиб қолиш масаласини кўрамиз, яъни, маблағ ўтказилган пластик карталарни музлатиб қўйиш имконияти бор.

Ўрганишлар республикада кибержиноятларнинг 40 фоиздан ортиғи Тошкент шаҳрида содир этилганини кўрсатади. Бунинг биринчи сабаби, пойтахтда аҳоли сони кўплиги бўлса, иккинчиси, асосий тўлов ташкилотларининг марказий офислари Тошкентда жойлашган. Учинчи сабаб шуки, республикада эмиссия қилинган банк пластик карталарининг 45 фоизи ҳамда банкоматлар, онлайн хизмат кўрсатувчиларнинг 60-70 фоизи пойтахт ҳудудига тўғри келади. Шу билан бирга, Тошкентда содир этилаётган кибержиноятларнинг 60 фоизи фирибгарлик, 35 фоизи ўғрилик, қолган 5 фоизи кибербуллинг

(ҳақорат ва тухмат қилиш)ни ташкил қилмоқда.

Ҳозирда киберфирибгарликдан 40 ёшдан 80 ёшгача бўлган аҳоли қатлами кўпроқ азият чекаётгани маълум. Ёши катта фуқароларнинг аксарияти шахсга доир маълумотларини ўзгаларга очиклагани, банк пластик картасидаги маблағларни бериб юборгани ва бошқа ҳолатларга йўл қўйгани сабабли фирибгарлик қурбони бўлиб қоляпти.

Анжуманда Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида киберхавфсизлик ҳамда ахборот технологиялари соҳасида жиноятчиликка қарши кураш бўйича етакчи ўринда экани қайд этилди. Киберхавфсизлик маркази ходимлари ҳар ойда ушбу йўналишдаги илғор мамлакатлар, Хитой, Сингапур, Россия, Қозоғистон ва Европага бориб, малака ошириб қайтаётгани, ҳатто хоржидан бизга келиб, тажриба алмашиб кетаётгани айтиб ўтилди.

Бундан ташқари, кибержиноят

кўп содир этилаётган банклар рўйхати оммага эълон қилиб борилиши маълум қилинди. Бундан мақсад банклар ва тўлов ташкилотларининг ўз ахборот хавфсизлиги сиёсати ҳамда киберхавфсизлик талабларига риоя этиш борасидаги масъулиятини кучайтиришдан иборат.

Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологияларининг кенг тарқалиши ва реал вақт режимида чексиз ахборот алмашинуви имкониятлари ортиб бориши шароитида кибержиноятлар мураккаб трансмиллий муаммога айланиб бормоқда. Мазкур турдаги жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича фуқароларнинг замонавий кибертаҳдидлардан огоҳлигини ва рақамли саводхонлигини ошириш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози”
мухбири.**

"O'zbekiston ovozi" – доимий ҳамроҳимиз

Тезкор давр ва шиддатли замонни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, интернет нашрлари ва ижтимоий тармоқ ошuftалари кўпаймоқда. “Тандирдан янги узилган” янгиликларнинг кони бу виртуал ахборот олами. Бироқ айнан улар жамиятни чалғитувчи, ҳатто йўлдан оздирувчи хуружларнинг, текширилмаган, бирёқлама, фейк хабарларнинг макони ҳамдир.

Буни чуқур англаган инсонлар, табиийки, телерадио махсулотлари, алалхусус, матбуот орқали ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришни афзал кўради. Газета мутолааси саводхонлик, кенг дунёқараш, замон билан ҳамнафаслик омили эканини жамоатчилигимиз яхши билади.

“Темирийўлинфратузилма” акциядорлик жамияти “166-йўл-машина станцияси” филиали ҳам ана шундай жамоалардан ҳисобланади. Корхонада 240 нафарга яқин киши меҳнат қилаётган бўлса, 82 нафари ЎзХДП аъзоларидир. Улар кўп йиллардан буён “Ўзбекистон овози”ни қўлдан қўймай келаётгани кувонарли.

Ўзбекистон ХДП Денов туман Кенгаши ҳамда депутатлик гуруҳи ташаббуси билан станцияда ўтказилган “Маънавият ва маърифат инсон камолотида муҳим ўрин тутadi” мавзuidaги тадбирда шулар ҳақида сўз юритилди. Сиёсий куч масъуллари, депутатлар, бошланғич партия ташкилоти етакчилари, фаоллар ҳамда ёшлар томонидан маънавият ва маърифат ҳар қандай моддий бойликдан афзал эканлигига эътибор қаратилди.

**Чори ИРМУМИНОВ,
“Темирийўлинфратузилма”
акциядорлик жамияти “166-йўл-
машина станцияси” филиали раҳбари:**

– Темир йўллар мамлакатларнинг асосий транспорт йўлаги. Юк ва йўловчи ташишда



иктисодиётнинг қон ва жон томиридир. Шу боис янги замон шарофати билан соҳада кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. 2001 йилда дастлаб “Учқудуқ-Мискин-Султон-Увайстоғ” темир йўли фойдаланишга топширилган бўлса, ундан кейин “Тошкент-Самарқанд”, “Тошкент-Поп-Анджон”, “Термиз-Термиз-2”, “Термиз порти”, “Денов”, “Ғалаба-Амузанг”, “Сариосиё”, “Бақтрия” каби йўналишлар ташкил қилинди. Умумий қиймати 447 миллион АҚШ доллари бўлган “Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон” темир йўлининг иш бошлагани эса Ўзбекистонда яхлит тизим шаклланганидан далолат беради. Шу билан бир қаторда, денгиз орқали жаҳонга чиқиш имконияти яратилгани билан янада аҳамиятли.

Ана шундай тарихий ўзгариш ва ўзига хос янгиланишларда жамоамиз ҳам муносиб ҳисса қўшгани кувонарли. Сафдошларимиз орасида “Шуҳрат” медали, “Меҳнат шуҳрати”, “Дўстлик”, “Фидокорона хизматлари учун” орденлари соҳиблари бор. Ўзбекистон Қаҳрамонлари – Ҳамза

Маҳкамов (марҳум) ва Юсуф Зиёевлар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Инсон ҳаётида маънавият ва маърифат алоҳида ўрин тутуши кўпчиликка яхши маълум. Бу борада бизга “Ўзбекистон овози” доимий ҳамроҳ ва яқин кўмакчига айланганини алоҳида таъкидламоқчиман. Севимли нашримиз ошuftалари жамоамизда кўпчиликини ташкил қилади.

**Баҳридин САМАДОВ,
“Темирийўлинфратузилма”
акциядорлик жамияти “166-йўл-
машина станцияси” филиалидаги
Ўзбекистон ХДП бошланғич партия
ташкilotи етакчиси:**

– Меҳнат фаолиятимга 23 йилдан ошди. Тажрибамдан келиб чиққан ҳолда айтадиган бўлсам, ҳаётни маънавият ва маърифатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қайси соҳа ва қай бир йўналиш бўлмасин, ўқиш ва ўрганиш талаб қилинади. Доим изланиш ва интилиш лозим. Шундагина аҳолининг ҳуқуқий билими ошади, маънавияти ва

маданияти юксалиши табиий.

Бу борада партиямиз нашри ҳам алоҳида ўринга эга. Ундан сиёсий куч ғоялари, сафдошларимизнинг иш тажрибаси, депутатларимиз ва партиямизнинг Олий Мажлисдаги фракцияси фаолияти, ЎзХДП Марказий Кенгаши тадбирлари, қарор ва тавсиялари билан мунтазам танишиб борамиз. Бир сўз билан айтганда, “Ўзбекистон овози” аллақачон ҳаётимиз ойнасига айланган.

**Юсуф ЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, партиямиз
фахрийси:**

– Мамлакатимиздаги етакчи газеталардан бири - “Ўзбекистон овози” улуғ ўтмишга эга. Бир асрдан ошибдики, муштарийлар севиб мутолаа қилиб келмоқда. Ҳақиқий минбаримизда барча ҳаётий муждалар мужассам.

Қарийб қирқ йилдан буён “Ўзбекистон овози”га обуна бўлиб келаман. Ҳар янги сониди ўзим учун янги фикрларни оламан, мушоҳадага, мулоҳазага ундайдиган мақолаларни ўқиб, маънавий қониқиш ҳис қиламан. Давр ўзгарса-да, рақамлаштириш ҳаётимизнинг ҳамма жабҳасига кириб борса-да, газета ҳеч қачон ўз қийматини йўқотмаслигини, кунини газета ўқиш билан бошлаган инсон чинакам зиёли эканини фарзандларимиз, ёшларимиз онгига сингдирмоғимиз керак. Бу борада ўзимиз ҳам ўрнак бўлишимиз шарт.

Тадбир доирасида корхонада меҳнат қилаётган 30 нафар ёш темирийўлчи Ўзбекистон ХДП сафига қабул қилинди. Бир гуруҳ фаолларга туман партия ташкилоти ҳамда депутатлик гуруҳининг қимматбаҳо ва эсдалик совғалари тантанали топширилди. Ҳар жиҳатдан фойдали бундай тадбирларни мунтазам ўтказишга келишиб олинди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**

MUASSIS:  O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI	O'zbekiston Ovozi TAHRIR HAY'ATI: Ulug'bek INOYATOV Ulug'bek VAFOYEV Maqsuda VORISOVA Qalandar ABDURAHMONOV Gulliston ANNAQILICHEVA Muslihiddin MUHIDDINOV Olim RAVSHANOV Toshtemir XUDOYQULOV	Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3 Телефонлар: (71) 239-12-14 Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.	Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan. Navbatchi: Ravshan SHODIYEV Г — 1137. 1580 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220. t — Tijorat materiallari O'za yakuni — Topshirilgan vaqti — 22:30 1 2 3 4 5 6 Sotuvda kelishilgan narxda
Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.			